

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan www.uzas.uz 2017-yil 24-fevral №9 (4408)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 февраль кuni Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Аскар Маминини қабул қилди.

Ўзаро савдо ҳажмини тубдан ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатларимизнинг ётақчи қорхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли лойиҳалар ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда.

аввало савдо, инвестициявий технологиялар ва транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

ХАР БАХОР ХАМ ШИВ БУЛАР ШАКРОР...



ИЗЗАТНИМА — БИЛДИМ

Хайт китобимни бехос варақлаб Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим, Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим. Табассум ўрнида қуддим чарақлаб, Суйиш керак бўлса — телбача суйдим.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ



Стратегия умумий мақсадга эришиш учун зарур бўлган муҳим режалар мажмуини англатади. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизнинг яқин йилларга мўлжалланган тараққиёт йўллари аниқ белгилаб берилгани билан эътиборга сазовор. Унга асосан 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига доир беш устувор йўналиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Беш устувор йўналиш асосан қуйидагилардан иборат бўлиб, давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишни;

амалий руҳдаги ташқи сиёсат юртишни кўзда тутади. Президент Фармонида алоҳида таъкидланганидек, Ҳаракатлар стратегияси юртимизда йилларга берилмайдиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишни назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

бўйича ишлар қандай давом этаётганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Бинобарин, мамлакат ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётининг ўзақ масалаларига доир қўллаб қарор ва фармонлар қабул қилиниб, ҳайъатга татбиқ этилиши натижасида халқимиз турмушида юз бера бошлаган ўзгаришларни ҳис этмоқлик қийин эмас.

амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишуви жараёнларини ойнаи жаҳон орқали кузатиб борган кишилар бунга яққол ишонч ҳосил қилишлари шубҳасиз.

Тарихий тараққиётимизнинг ҳар бир қатламида яширинган маданий меросимизни ўрганиш, уни келажак авлод, ёшларимиз онига синдириш билан миллий маданиятимизни мустаҳкамлаб, ўз келажакимизни барқарор қуриб олдик. Давлат ва жамият бошқарувида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бу борадаги интилишларимизни янада жадалроқ амалга оширишга имкон бермоқда.

лиши мазкур вазирлик томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган давлат сиёсати доирасида ўзбек халқи маданияти ва санъатини кенг тарққатишга, жамиятнинг чуқур қатламларига миллий урф-одат ва анъаналаримизни синдиришга, ёшларимизнинг она Ватани тарихи, миллий маънавий меросимизни теран ўрганишига кенг йўл очиб беради.

тахассис кадрлар фаолиятининг тўғри йўлга қўйилгани, марказлар моддий-техник базасини замон талабларига мос ҳолда тақомиллаштириш борасидаги топшириқларнинг самарали яқунланмай қолаётгани кўзга ташланаётган эди. Бундан буён мазкур муаммоларга тўғридан-тўғри кириб бориш ва самарали ечим топиш имкони туғилди.

Республика мусиқа ва санъат мактаблари бошқарувининг Маданият вазирлиги тасарруфига ўтказилиши таълим-тарбияда тизимли фаолият олиб боришга кенг имкон яратлади. Бу маданият ва санъат олийгоҳларига ҳужжат топшириб, илми ва иқтидорини мураккаб соҳага баҳш этаётган ёшларимизни болалик йилларида саралаб олишга, уларнинг ижодий имкониятларини тўғри баҳолашга, иқтидорли талабаларни ёшлар бадийи таълими ва тарбиясига тўғридан-тўғри йўналтиришга кенг йўл очиб берди.

“БИЗНИ БИРЛАШТИРГАН ҒОЯ”

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги... Халқимизни бирлаштираган миллий ғоя – мана шундай ақсу оруз-интилишларимизда экс этган. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Мухаммаджон Қуроновнинг “Бизни бирлаштираган ғоя” номили китобини ўқиш жараёнида ана шу муқаддас тушунчалар қалб-бингиз ва онгингизга тобора чуқурроқ сингиб боради.

Китобнинг иккинчи бобида “Ниқобли ЭДОС”, яъни эркинлик ва демократияни олға силжитиш ниқоби остида дунё халқлари ҳаётига дахл қилиб келётган мафқуравий кураш таҳдиди ҳақида батафсил маълумот берилган. Мутахассислар томонидан таҳлил қилинган “бошқарилувчи хаос”, “рангли инқилоблар”, “информацион уруш”, “Троя оти”, “урушнинг интеллектуал майдони”, “мемплекс”, “юшоқ куч” технологиялари деб номланган мафқуравий уруш ва турли геосиёсий ўйинларнинг хавфи ўқувчини ҳушёр бўлишга ундайди.

тарбия тўғрисидаги билимларни талаб қилади”. Китобнинг учинчи бобида фарзандлар тарбияси ҳақида сўз борар экан, тинч ва фаровон ҳаётимизга хавф соладиган ёт тасвирлардан ҳимояланишда даставвал миллий тарбиянинг аҳамияти нечоғли эганига алоҳида урғу берилади.

ган. Жумладан Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Бизнинг энг улуг мақсадимиз, энг улуг гоямиз, энг улуг шииримиз шукки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб — олға юриш.

Ушбу илмий-публицистик рисола миллий ғоя туркумидаги, ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс берувчи мутахассислар, маънавият-тарғибот тизимида фаолият олиб борадиган ходимлар, тадқиқотчилар ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

ОСТОНА ШАҲРИДА НАВОЙИХОНЛИК

Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида 2017 йил 21 феврал кuni улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийга бағишланган адабий-маданий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Қозоғистон халқи ассамблеяси бошчилигида Қозоғистон Республикаси Миллий академик кутубхонаси, Остона шаҳар ўзбек этномаданий маркази, Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ва Юнус Эмро номидagi Турк маданий маркази томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Ўзбек шоир ва мутафаккирларининг адабий меросини тарғибот-ташвиқ этишдан иборатлир. Мажлис Халқаро она тили куни ва Қозоғистон халқининг миннатдорлик кунига бағишланиб, унда Қозоғистон Парламент Мажлиси депутатлари, Фанлар академияси аъзолари, Ўзбекистон, Озарбойжон, Туркия ва Қирғизистон давлатлари элчихоналарининг вакиллари, жамоат арбоблари, олимлар, оқинлар, ижодкорлар, этномаданий ва ёшлар бирлашмаларининг масъул ходимлари, Қозоғистон Республикасидаги барча ўзбек маданий марказларининг вакиллари иштирок этидилар. Тадбирнинг расмий маросимини Қозоғистон халқи ассамблеяси раисининг ўринбосари Ерали Тугжанов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси раиси, жамоат арбоби, профессор Муҳаммад Али Аҳмедов табрик сўзини айтди.

БИЛДИРИШ

- 2017 йил 27 феврал кuni соат 10:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима кенгашининг 2016 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади.
2017 йил 2 март кuni соат 11:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Русийза-бон адабий кенгашининг ҳамда соат 13:00 да Драматургия кенгашининг 2016 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилишлари бўлади.
2017 йил 3 март кuni соат 14:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Адабий таълим кенгашининг 2016 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади.

Нилуфар НАМОЗОВА









